# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 10 октябрь, № 199 (5619) Чоршанба


# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

**Шу йил 9 октябрь куни халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.**



Давлатимиз раҳбари, аввало, бу воҳа бошқа ҳеч қайси ҳудуд билан қиёслаб бўлмайдиган табиати, саховатли тупроғи, кўҳна тарихи ва бой маданияти, мана шу ерда ҳар қандай қийинчилик ва синовларга бардош бериб, она-юртига садоқат билан яшаётган, ўз кучига ишонган, ўз қадр-қимматини яхши биладиган, мард ва матонатли одамлар юрти эканини, самимийлик, тўғрилик, қандай аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни очиқ айтиш, мавжуд вазиятни ҳаққоний баҳолаш каби хусусиятлар айнан шу Хоразм элига мансублигини, бундай фазилат ва аломатларни юқори баҳолаб, вилоят аҳлига яна бир бор ўзининг юксак ҳурматини изҳор этишини таъкидлади.

Бугунги кунда бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Хоразм вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, катта ютуқ ва марралар қўлга киритилмоқда. Бунинг тасдиғини вилоят меҳнаткашлари турли тармоқларда — бу саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, маданият, соғлиқни сақлаш, илму фан, таълим-тарбия, спорт соҳалари бўладими — буларнинг барчасида эришаётган салмоқли натижалар мисолида кўриш, кузатиш мумкин.

Вилоят иқтисодиёти тобора юксалиб, жорий йил якуни бўйича 9 фоизга етиши кутилмоқда. Саноат соҳасида охирги беш йил мобайнида 40 фоиздан зиёд ўсишга эришилди. Ушбу тармоқни ривожлантириш, унинг салоҳиятини оширишда сўнгги вақтда мамлакатимиз миқёсида ўзини оқлаган ижобий тажриба вилоятда кенг қўлланилмоқда. Яъни, иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун уларнинг тижорат банклари балансига ўтказилаётгани Хоразм воҳасида ҳам ижобий натижа бермоқда.

Ҳозирга қадар вилоятдаги касодга учраган 22 та корхонага 21 миллиард сўмдан зиёд инвестиция йўналтирилиб, уларда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу асосда 2 мингга яқин иш ўрни қайта тиклангани, жумладан, Ҳазорасп ип-йигирув фабрикаси, "Унихо" қўшма корхонаси, "Ҳазорасп гиламлари" каби 12 та корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати модернизация қилингани эътиборга молик.

Енгил саноат соҳаси ривожланишида "Боғот текстиль", "Коттон-текс", "Даритал текстиль", "Жиласун", "Коботекс" ва "Ўзтекс Шовот" каби корхоналарнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Мен бугун фермерлар билан учрашганимда, "Ўзтекс Шовот" корхонасининг ишга тушганини эшитиб, хурсанд бўлдим. Шовотлик фермернинг айтишича, одамлар ҳар куни бу замонавий бинони томоша қилиб ўтаётган экан. Бу кўп нарсани билдиради. Бу бино шунчаки чирой бериш учун эмас, балки қишлоқда яшаётган аёлларни, қизларимизни иш билан таъминлаш, уларнинг ҳаётини яхшилашга хизмат қилишини одамлар яхши тушунади, деди Президентимиз.

Сессияда вилоят иқтисодиётининг ўсиш суръатлари, барча тармоқларнинг ривожланаётгани эътироф этилган ҳолда, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноат соҳасининг улуши мамлакатимиз бўйича эришилган марралардан анча орқада қолаётгани қайд этилди.

Шу ҳақда гапирганда, муҳим бир масалани эсимиздан ҳеч қачон чиқармаслигимизни истардим, деди Юртбошимиз. Хоразм воҳасини тараққий топган ҳудудлар қаторига чиқариш, биз кўзлаган кўпгина марраларга эришиш йўлида, аввало, одамларни иш билан таъминлаш, даромадини оширишда, ишлаб чиқариш суръатларини ўстириш, қолаверса, бутун Хоразм ўлкасининг қиёфасини ўзгартиришда айнан саноат соҳасининг ривожи устувор ўрин эгаллаши кераклигини англаб олишимиз зарур.

Биз бу ҳақда кўп гапирамиз, лекин амалий ишларга келганда, бу соҳада бир ёқлама ривожланиш, асосан, енгил саноат ҳисобидан ўсиш бўлаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хусусан, томат ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш керак. Мавжуд консерва заводларининг техник ускуналари эскирганини ҳисобга олган ҳолда, замонавий технологиялар асосида ишлайдиган янги корхоналарни қуриш лозим.

Қишлоқ хўжалигида жорий мавсумда ҳам қийинчиликлар кам бўлмади. Лекин шунга қарамасдан, ҳосил яхши бўлди. Бу йил Худонинг ўзи йўлимизни очиб берди. Лекин келгуси йилда бундай шароит бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун шартнома тузаётганда чуқур ўйлаб иш тутиш, фермерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш керак. Бугун фермерлар пахтанинг катта даромад беришини яхши тушуняпти, лекин жаҳон бозорида унинг нархи ўйнаб турганини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Шу маънода, фермерлар нафақат деҳқон, нафақат агроном, балки аввало, иқтисодчи бўлиши керак. Манфаат ва яна бир бор манфаат устун бўлиши зарур.

Хоразмда бошқа экинлар қаторида шоли ҳам экиш мумкин. Лекин шартнома мажбуриятларини — бу ғаллачилик бўладими, пахтачилик бўладими — сўзсиз бажарганидан кейин экиш зарур. Давлат фермернинг манфаатини кўзлаши, фермер ҳам давлатнинг манфаатини унутмаслиги даркор. Шундагина адолат бўлади, шундагина ишда тартиб бўлади, деди Ислом Каримов.

Мажлисда бундай вазифаларни амалга ошириш учун ҳар томонлама чуқур ўйланган, Хоразм воҳасининг шароити ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳукуматимиз бошчилигида алоҳида дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вақти келгани уқтириб ўтилди.

Бу дастурда фақат енгил саноатни эмас, балки машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга, мамлакатимизда кўп йиллар давомида синаб келинаётган тажриба — яъни тараққий топган давлатларнинг фирма ва компаниялари билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этиш энг тўғри ва ўзини оқлайдиган йўл эканига эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Қўшма корхоналарни ташкил этишнинг энг афзал ва устувор томони шундаки, бизга шерик бўлган хорижий компаниялар ҳисобидан инвестициялар олиб келиш, шу билан бирга, мана шу корхоналарда биз ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг чет давлатларда бозорини, харидорини топиш каби жиддий муаммоларни ечиш ҳам анча осон бўлишини тушуниш, англаш қийин эмас, албатта, деди Ислом Каримов.

Шу маънода, бугунги кунда Хоразм вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 2000 йилга нисбатан 1,6 баробар ошиб, соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса 60,5 фоизни ташкил этаётгани алоҳида эътиборга сазовор.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилда тижорат банклари томонидан 172 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиб, бу кўрсаткич кейинги беш йил давомида 3,5 баробар ўсганини қайд этиш жоиз.

Шу йилнинг 9 ойида яратилган 47 мингдан зиёд янги иш ўрнининг 60 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилгани, иш билан банд аҳолининг 80 фоизга яқини айнан шу тармоқда меҳнат қилаётгани бу соҳанинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамияти ҳам беқиёс эканини кўрсатади.

Бу ҳақиқат яқинда Тошкент шаҳрида "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзуида ўтказилган халқаро конференцияда яна бир бор ўз тасдиғини топди. Ана шу анжуманда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари, дунёдаги 45 дан ортиқ хорижий давлатдан 250 нафарга яқин кўзга кўринган иқтисодчилар, олимлар, бизнес оламининг йирик намояндалари иштирок этди. Уларнинг ҳаммаси бир нарсага тан беряптики, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун ҳар томонлама қулай шароит яратилган. Улар бу соҳа нафақат иқтисодиётни, балки одамларни, бутун аҳолининг онгу тафаккурини, ҳаётини тубдан ўзгартирмоқда, деб эътироф этаётгани барчамизга мамнуният етказади ва бундан йигирма бир йил олдин иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш мақсадида биз танлаган йўл — ўзбек модели нақадар тўғри эканини яна бир марта тасдиқлайди.

Хоразм вилояти учун хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муҳим соҳалардан бири — бу туризм эканини барчамиз яхши биламиз, деди давлатимиз раҳбари. Туризм инфратузилмаларини, хусусан, Урганч ва Хива шаҳарларида ихчам меҳмонхоналар тизимини ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатадиган иншоотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги 10 йилда меҳмонхоналар сони қарийб тўрт баробар кўпайгани, сайёҳлик фирмаларини ташкил этиш ишлари фаоллашгани натижасида Хоразм вилоятига ташриф буюраётган меҳмонлар сони 3 баробардан зиёд ортди. Шу билан бирга, сессияда бу йўналишда ҳали жуда кўп иш қилиш кераклиги таъкидланди. Хусусан, сайёҳлар сонини янада ошириш учун чет давлатларга қатнайдиган чартер рейсларни, хорижий меҳмонларга хизмат кўрсатадиган янги объектлар сонини кўпайтириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш ана шундай вазифалар қаторига киради.

Хоразм вилоятида замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда бу йўналишда тасдиқланган дастур доирасида вилоят ҳудудидан ўтадиган халқаро ва давлат аҳамиятига молик 230 километрдан ортиқ автомобиль йўлларида кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, 750 метр узунликдаги 5 та кўприкни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қарийб 322 миллиард сўм ҳажмидаги иш бажарилмоқда. Яқинда "Бухоро — Нукус" автомобиль йўлининг Хоразм вилоятини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган 60 километр узунликдаги тармоғи қуриб битказилди. Жорий йил охирига қадар ана шу йўналишда яна 40 километр йўл қурилиб, транспорт қатнови очилади.

Мустақиллик йилларида 341 километр узунликдаги "Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус" темир йўлининг ишга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, шимолий ҳудудларимизнинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб, Хоразм воҳасининг ривожини мутлақо янги босқичга кўтаришда катта ўрин олганини изоҳлаб беришнинг ҳожати йўқ.

Айтиш керакки, бу йўлнинг моҳияти ва қиммати йиллар ўтиши билан янада ортиб боради. Бу йўл минтақадаги бой ер ости захираларини ўзлаштириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, олдимизда турган улкан режаларни амалга оширишда сўзсиз беқиёс аҳамият касб этади, деб қайд этди Президентимиз.

Собиқ Иттифоқ даврида Амударёдан понтон кўприклар орқали йўловчилар ва транспорт қатнови қандай қийинчилик ва хавф-хатарлар билан амалга оширилар эди. Кейинги йилларда Амударё узра бир эмас, иккита улкан, муҳташам кўприк барпо этилди ва шу тариқа йиллар давомида ечилмасдан келган ўта муҳим иқтисодий-ижтимоий масала ҳал қилинди.

Вилоятда бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар янада кенг миқёсда давом эттирилиши сессияда қайд этиб ўтилди. Бу борада келгуси беш йилда йўл инфратузилмасини ривожлантириш учун вилоят бўйича 450 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## П. Р. Бобожоновни Хоразм вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Пўлат Раззақович Бобожонов** Хоразм вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 9 октябрь

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОЗАРБАЙЖОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан, 2012 йил 11-12 октябрь кунлари расмий ташриф билан Боку шаҳрида бўлади.

Олий даражадаги музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича фикр алмашиш режалаштирилмоқда.

Расмий ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бошқа ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

*Ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидаги асрлар давомида мустаҳкамланиб келаётган яқин дўстлик ва биродарлик алоқалари, маданият, тил, дин ва анъаналарнинг муштараклиги мамлакатларимизнинг кенг ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.*

## ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Тошкент ва Бокуда ўзаро ишонч, дўстлик ва бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган алоқалар юксак қадрланади. Мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар ўтказиб келинаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йилнинг сентябрь ойида Озарбайжон Республикасига расмий ташрифи, шунингдек, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг 2010 йилнинг сентябрида Ўзбекистонга расмий ташрифи асносида имзоланган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги мазмун билан бойитишга хизмат қилаётир.

Мамлакатларимиз мустақилликка эришганидан кейин анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янги замон руҳида ривожлана бошлади. Ўзаро муносабатларни ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Озарбайжон ҳам манфаатдор. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги дўстона алоқалар савдо-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий йўналишлар қатори маданий соҳада ҳам фаол ривожланмоқда.

Ўзбекистондаги Республика озарбайжон миллий маданият маркази ҳам икки биродар халқнинг дўстона муносабатларини янада мустаҳкамлашга, маданий алоқаларни изчил ривожлантиришга хизмат қилаётир. Ушбу марказ Ўзбекистонда озарбайжон маданияти, тили, анъана ва қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва ривожлантиришга, шунингдек, мамлакатимизда миллатлараро алоқаларни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётир.

— Бугунги кунда Ўзбекистонда қирқ мингдан зиёд озарбайжон диаспораси вакили яшайди, — дейди Республика озарбайжон миллий маданият маркази бошқаруви раиси Мобил Мамедов. — Улар Ўзбекистоннинг ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этаётир.

(Давоми 3-бетда).

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, Хоразм воҳаси ўзининг кўп минг йиллик қишлоқ хўжалик маданиятига эга, ўз ишининг чинакам устаси ва фидойиси бўлган миришкор деҳқонлар айнан шу заминда ном қозонган.

Вилоят фермерлари бу йилнинг ўзида 132 минг тоннадан зиёд дон етиштириб, шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажаришга ва қарийб 70 миллиард сўм даромад олишга эришганлари таҳсинга муносибдир. Шу кунларда эса, хоразмлик моҳир пахтакорлар 258 минг тонналик юксак хирмон бунёд этиш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, кўзлаган маррага тобора яқинлашмоқда.

Хоразм вилоятида ер шароитининг оғир ҳолати, тупроқнинг шўрланиши қандай катта ва машаққатли меҳнатни талаб қилишини воҳадаги ерларнинг 54 фоизи кучсиз, 33 фоизи ўртача, 13 фоизи эса кучли шўрлангани ҳам исботлаб беради. Бундай мураккаб шароитда деҳқончилик қилиш, юқори ҳосил олиш, очиғини айтганда, ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Бунинг учун қанча-қанча меҳнат, қанча маҳорат, ўз касбига, ўз ерига садоқат, қолаверса, катта мардлик талаб қилиниши деҳқончилик билан таниш одамларга яхши аён.

Биргина мана шу мавсумни оладиган бўлсак, воҳа меҳнаткашлари кўплаб табиат ноқулайликлари ва иқлим қийинчиликларига дуч келганини кўриш, кузатиш қийин эмас. Хусусан, ўтган йили ноябрь ойидаёқ совуқ ва аёз кунларнинг бошланиб кетгани, қишнинг узоқ давом этгани ерни шудгорлаш, шўр ювиш, кузги экинларни сақлаб қолишда деҳқонлар учун катта муаммоларни туғдирди.

Ёз фаслида эса қирқ кун давомида ҳаво ҳароратининг кескин юқори бўлиб тургани, жазирама қум ва туз бўронлари ҳосил тақдирини хавф остида қолдириб, Хоразм деҳқонларини яна бир бор жиддий синовдан ўтказди.

Президентимизнинг, шу фурсатдан фойдаланиб, мен мана шу юксак минбардан туриб, бундай оғир вазиятдан ёруғ юз билан чиқаётгани учун Хоразмнинг миришкор деҳқонлари ва фермерлари, барча меҳнаткашлари олдида таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан, деган сўзлари сессия иштирокчилари томонидан қизғин олқишлар билан кутиб олинди.

Қишлоқ хўжалигида мўл ҳосил етиштиришнинг омил ва мезонлари кўп. Об-ҳавонинг қулай келиши, навнинг тўғри танланиши, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ўтказилиши, энг муҳими, деҳқонларимизнинг ер билан тиллашиб, унга бутун меҳрини бериб ишлаши — ана шулар жумласидандир. Шулар қаторида яна бир ўта муҳим омил борки, деди Ислом Каримов, бу тупроқ унумдорлигини ошириш, ернинг мелиоратив ҳолати ва ирригация тизимини яхшилаш билан боғлиқ. Ушбу мақсадда қабул қилинган махсус дастур доирасида сўнгги беш йилда Хоразм вилоятига давлат бюджетидан 80 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди, бу эса мамлакатимизда шу борада ажратилган маблағнинг 11 фоизини ташкил этади. Ана шу маблағ ҳисобидан 220 километрлик коллектор-дренаж тармоқларида қурилиш ва реконструкция, 6,5 минг километрлик тармоқда эса таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида вилоят бўйича 170 минг гектардан зиёд суғориладиган майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Энг муҳими, ана шу ҳудудларда пахта ҳосилдорлиги ўртача 2,3 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги эса 2,7 центнерга кўпайгани Хоразм деҳқон ва фермерларининг косасини оқартиришга, даромадларини оширишга хизмат қилмоқда.

Бу борада бошланган ишларни изчиллик билан давом эттириш мақсадида келгуси беш йилда давлат бюджетидан Хоразм вилоятига яна 225 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, янги йилдан бошлаб вилоятдаги ирригация тизимларини реконструкция қилиш бўйича Ислом тараққиёт банкининг 90 миллион доллардан зиёд кредит маблағини жалб этган ҳолда, умумий қиймати 120 миллион доллар бўлган лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Ана шундай кенг кўламли ишлар натижасида 144 минг гектарга яқин суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини, 225 минг гектардан ортиқ ернинг эса сув билан таъминланишини яхшилашга эришилади.

Хоразм воҳасида халқимизни боқадиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини оширишга қаратилган катта куч ва маблағлар сарфлаш билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳаси самарасини оширишда ўз ечимини кутаётган ишлар ҳали кўп эканига мажлисда алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ишни тўғри ташкил қилиш, илғор ва синалган агротехник тажрибаларни кенг ёйиш, 15-25 йил давомида ишлатиб келинаётган, эскирган қишлоқ хўжалиги техникасини замонавий трактор ва механизмлар билан алмаштириш, Хоразм шароити ва иқлимига, шу тупроққа мос келадиган сифатли уруғ ва янги навларни етиштириш ва жорий этиш, фермерлик ҳаракатининг олдида турган кўпгина вазифаларни ҳал қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш каби ўта муҳим, алоҳида эътиборни талаб қиладиган муаммо ва масалалар устида ишлаш долзарб вазифалардан экани қайд этилди. Бу борада, аввваламбор, вилоят раҳбарияти ва жамоатчилиги, мавжуд илмий муассасалар, тажрибали агроном ва мутахассисларнинг ўрни ва масъулияти катта эканига урғу берилди.

Биз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб инсон манфаатларини таъминлаш масаласи мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳот ва ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб келаётгани ҳақида, ўйлайманки, кўп гапиришга ҳожат йўқ, деб ўз фикрини давом эттирди Юртбошимиз.

Биз учун доимо устувор вазифа бўлган ана шундай сиёсатнинг амалий самарасини бутун юртимиз қатори Хоразм вилоятида ҳам кўпкўп мисолларда кўриш мумкин.

Бугунги кунда вилоятда аҳолининг реал даромадлари жон бошига 2000 йилга нисбатан 9,2 баробар кўпайгани, шу даврда ўртача иш ҳақи 16,8 марта, пенсия ва ижтимоий нафақалар салкам 11 марта ортгани одамларимизнинг фаровонлигини таъминлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Бунинг яққол ифодасини биргина мисол, яъни, юртимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий енгил автомобилларни аҳоли томонидан сотиб олиш ҳажми тобора ортиб бораётгани тасдиқлайди. Мамлакатимизда автомобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилган 1996 йилдан бошлаб Хоразм вилояти аҳолиси 60 мингдан зиёд ана шундай автомобилларни харид қилган, бошқача айтганда, ҳозирги вақтда ҳар бешта оиладан иккитасида замонавий автомобиль мавжуд.

Яна бир долзарб масала — Хоразм вилояти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишларни олайлик, деди Ислом Каримов. Вилоятда кейинги ўн йилда 815 километрдан иборат ичимлик сув тармоқлари янгиланиб, 28 та сув тақсимлаш иншооти реконструкция қилинди. Натижада 174 та аҳоли пунктидаги 200 мингга яқин аҳолининг ичимлик сув таъминотининг яхшиланишига эришилди.

Шу билан бирга, Жаҳон банкининг 11 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағи ҳисобидан Урганч шаҳри ва тумани, Осиё тараққиёт банкининг қарийб 13 миллион долларлик кредит маблағи эвазига Янгиариқ, Хива ва Қўшкўпир туманлари аҳолисининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Ана шундай ишлар натижасида кейинги ўн йилда вилоятда аҳолини марказлашган тармоқлар орқали ичимлик суви билан таъминлаш даражасини 64 фоиздан 74 фоизга кўтаришга эришилди.

Бу албатта катта ютуқ, лекин бу рақам бизни қониқтирмаслиги керак. Кўп касалликлар ниманинг ҳисобидан пайдо бўлади? Аввало, сувнинг тоза эмаслиги ҳисобидан. Хоразмга хос буйракда тош йиғилиш касаллиги ва бошқа касалликларни бартараф этиш учун аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласида қаттиқ ишлашимиз, бу муаммони тўла ечишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Келгусида халқаро молия институтларининг 60 миллион долларлик маблағини жалб этган ҳолда, бу борадаги ишларни янада кенгайтириш, жумладан, Урганч, Хива ва Питнак шаҳарларидаги эскирган канализация тармоқларини модернизация қилиш, янги тозалаш иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилмоқда. Бу, ўз навбатида, ана шу шаҳарларнинг экологик ҳолатини яхшилаш, аҳолининг турмуш шароити ва сифатини янада оширишда муҳим ўрин тутади.

Вилоятда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида тураржой массивларини комплекс қуриш ишлари ҳам изчил олиб борилмоқда. Ўтган уч йил мобайнида 32 та массивда 1 минг 160 та уй-жой 43 километрдан зиёд газ тармоғи, 70 километр сув тармоғи, 30 километр электр тармоғи, 35 километр автомобиль йўллар ва бошқа инфратузилма объектлари билан бирга қуриб фойдаланишга топширилгани диққатга сазовордир. "Мустаҳкам оила йили" деб ном олган жорий йилнинг ўзида вилоятнинг 20 та қишлоқ массивида 650 та ана шундай уй-жой барпо қилиниб, ўз эгаларига тайёр ҳолда топширилади.

Ўз-ўзидан равшанки, бундай ҳар томонлама қулай ва обод уйларда одамларнинг кайфияти ва қарашлари, эртанги кунга ишончи ҳам бошқача бўлади. Бундай уйлар хонадон бекалари — аёлларимизнинг оғирини енгиллаштиришга, ҳаёт тарзини ўзгартиришга, турмуш шароитини яхшилашга олиб келиши муқаррар, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Хоразм воҳасида соғлиқни сақлаш соҳасини янада яхшилаш, янги, замонавий даражага кўтариш мақсадида кейинги беш йил давомида 16 миллиард 200 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган урология ва кардиология марказларининг вилоят филиаллари, Боғот ва Янгиариқ туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ва 6 та қишлоқ врачлик пунктида кенг кўламли қурилиш-реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Буларнинг барчаси, табиийки, турли касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, инсон умрини узайтиришнинг мустаҳкам замини бўлиб хизмат қилмоқда.

Ёш авлодимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш масаласи Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим, энг устувор йўналиши экани яхши маълум. Барчамиз бугун чуқур англаб олдик — фақатгина замонавий, мустақил фикрлайдиган, жаҳоннинг манаман деган мамлакатларидаги тенгдошлари билан беллаша оладиган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол ёшлар биз бошлаган ишларни муносиб давом эттириш ва янги босқичга кўтаришга қодир бўлади. Шунинг учун ҳам биз бу ҳал қилувчи вазифани мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш, тараққий топган демократик давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашининг асосий шарти ва гарови деб биламиз, деб қайд этди Юртбошимиз.

Ана шундай юксак ва эзгу мақсадга эришишда Хоразм вилоятида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини ҳаёт қоидасига айлантириш, жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Сессияда бунинг исботи сифатида баъзи бир рақамларга эътибор қаратилди.

Агар 2003 йилда вилоятдаги умумтаълим мактабларининг фақат 63 фоизида спорт заллари мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, бу рақам 88 фоизни ташкил этмоқда. Болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида ўтган уч йил давомида 85 та спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилгани, уларнинг 80 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда экани ёшларимизнинг, айниқса, қиз болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун ҳар томонлама қулай имкониятлар туғдирмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар Ўзбекистон терма жамоаси куни кеча 4 миллиарддан ортиқ одам яшайдиган Осиё қитъасининг чемпиони деган юксак шарафга эришганини катта ғурур билан таъкидламоқчиман, деди Юртбошимиз ўз фикрини давом эттирар экан.

Табиийки, бундай ғалабага эришиш осон эмас. Барча зарур шарт-шароитларни яратган, спортни кенг оммавий ҳаракатга айлантирган тақдирдагина бундай улкан ютуқларга эришиш мумкин. Афсуски, бугунги кунда дунёда спортни бутунлай бошқача маъно ва мақсадларда тушуниш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Ҳамма нарса пулга қурилган, пул билан ҳисобланадиган спорт шахсан мен учун спорт эмас, деди Ислом Каримов.

Яратилган замонавий шароитлар туфайли хоразмлик мактаб ўқувчиларидан 1 минг 500 нафари республика миқёсида, 140 нафари эса халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида иштирок этганини таъкидлаш жоиз. Энг муҳими, ёш авлод тарбияси бўйича олиб бораётган, мана шундай чуқур ўйланган ишларимиз ҳисобидан болаларимиз жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етмоқда.

Ҳозирги вақтда вилоятдаги 91 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежида 96 минг 300 нафар йигит-қиз замонавий билим ва амалий касб-ҳунарларни эгалламоқда. Ҳар йили уларнинг 30 минг нафардан ортиғи коллежларни битириб, ҳаётга йўлланма олмоқда.

Ана шундай ёшларни муносиб иш билан таъминлаш, уларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйиши, оёққа туриб олиши учун ҳар томонлама ёрдам ва кўмак бериш — бу давлатимиз, жамиятимизнинг бугунги кундаги энг муҳим, айтиш мумкинки, энг ҳал қилувчи вазифаси ва у доимо эътиборимиз марказида бўлиши зарур, деб таъкидлади Президентимиз.

Вилоятда коллеж битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида ажратилаётган кредитларнинг ҳажми кейинги уч йилда 10 баробар ошиб, жорий йилда 3 миллиард сўмни ташкил этгани, албатта, эътиборга молик.

Айни вақтда сессияда ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш масаласини яна бир бор танқидий кўз билан қараб чиқиш, бу борада ечилмаган муаммоларни ҳал этиш учун барча чораларни кўриш, аввваламбор, шаҳар ва туман ҳокимлари, тегишли раҳбарларнинг масъулиятини янада ошириш зарурлиги уқтириб ўтилди. Вилоятда бандлик масаласи қандай ҳал қилинаётгани айни шу нуқтаи назардан таҳлил этилди. Юқорида айтилганидек, жорий йилнинг 9 ойида 47 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилгани ижобий баҳоланди. Лекин ўрганишларга кўра, вилоятда бугунги кунда 34 минг 700 нафарга яқин фуқаро, яъни меҳнатга лаёқатли бўлган аҳолининг 5,1 фоизи ишга жойлашишга муҳтож ҳисобланади. Бу рақамлар, фоизлар ўз йўли билан, лекин ҳақиқий ишлашни истайдиган одамларга албатта иш топиб бериш керак. Бинобарин, бандлик масаласи бўйича олиб бораётган ишларни янада кучайтириш, хусусан, саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳасида янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Хоразм воҳасида қурилиш ва ободончилик соҳасида олиб борилаётган катта-катта ишларни вилоят маркази бўлмиш Урганч шаҳри мисолида яққол кўриш мумкин. Урганч шаҳрини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида қайта қуриш мақсадида умумий қиймати 112 миллиард сўмни ташкил этадиган дастур ишлаб чиқилиб, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

Ҳозирги кунда Хоразмий кўчасида биринчи қаватини савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари эгаллайдиган 12 та кўп қаватли тураржой биноси, 10 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини қуриш ишлари якунига етказилмоқда. Шунингдек, ҳар бири 25 ўринли 3 та меҳмонхона қурилиши бошланган.

Айни вақтда Хоразмий кўчасининг марказий чорраҳасида 4 та замонавий супермаркет ҳамда 38 та сервис ва хизмат кўрсатиш объектида ҳам қурилиш ишлари якунига етиб бормоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали учун бунёд этилган муҳташам янги ўқув биноси бугун шаҳарнинг кўркига кўрк қўшиб турибди. Бу ерда энди 160 ўринли талабалар тураржой биносини қуриш мўлжалланмоқда. Шулар қаторида "Ёшлар кўли" боғининг муҳандислик коммуникациялари, инфратузилмасини янгитдан барпо этиш кўзда тутилмоқда. Ушбу ҳудуддаги "Кичкинтойлар боғи"да очиқ сув ҳавзаси қуриш, замонавий аттракционлар ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Айтиш керакки, жорий йилнинг ўтган даврида 1 миллиард 800 миллион сўм маблағ ҳисобидан шаҳарнинг канализация тармоқлари реконструкция қилиниб, Хоразмий кўчасида 3 километрдан зиёд ичимлик сув тармоғи ўтказилгани, марказий кўчалар ва ирригация тизимлари босқичма-босқич таъмирланаётгани шаҳар ободончилигига муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Бундан ташқари, бу ерда шу йилнинг ўзида 70 та кўп қаватли уй-жой капитал ва жорий таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этганини қайд этиш лозим, деди Юртбошимиз. Шу билан бирга, Урганч темир йўл вокзалини капитал реконструкция қилиш, жумладан, янги перрон ва очиқ ёзги павильон қуриш, вокзал олдидаги майдонни ободонлаштириб, кўркам хиёбон, автомобиллар бекати ва фаввора барпо этиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Бундай бунёдкорлик ишлари вилоятдаги бошқа шаҳар ва туманларда ҳам олиб борилаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, 2012 йилнинг январь ойидан буён Хоразм вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Пўлат Раззақович Бобожонов вилоят ҳокими этиб сайланди.

Президентимиз бугунги кунда раҳбарнинг масъулияти, унинг одамлар билан ишлаш маҳорати ҳақида алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни баён этди.

Раҳбарлик ҳақида, раҳбар шахснинг ўрни ва таъсири ҳақида гапирганда, ҳозирги кунда ҳаётимизда кўпгина ижобий ва салбий мисолларни учратиш мумкин. Минг афсуски, ишни ўзибўларчиликка ташлаб, ҳар қадамда пайдо бўладиган муаммо ва масалаларни ечиш ўрнига, улар ўз-ўзича ечимини топар, деб бепарволикка, лоқайдликка берилиб юрадиган раҳбарлар ҳам кам эмас.

Бу фикрни бошқача ифодалаб, бамисоли ҳарбийларни бошқарадиган қўмондонларни ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, улар, аввал жангга кирайлик, у ёғи ўзи маълум бўлади, деган тушунча билан қанча-қанча жангларни бой бергани, қанча йўқотишларга йўл қўйганини тарихдан яхши биламиз. Ўйлайманки, ҳаётимизда ҳали-бери учраб турадиган бундай номаъқул қарашлар билан иш тутадиган одамнинг раҳбар вазифасини эгаллашга ҳаққи йўқ.

Ҳаёт — бу, аввало, кураш, демакдир. Ҳар кунимиз аслида курашдан иборат. Бу кураш нима учун, қандай мақсадлар учун қаратилган? Бу кураш, биринчи навбатда, эркинлик, тинчлик учун, ҳаётимиз фаровонлиги, болаларимизнинг келажаги учун қаратилган. Шу маънода, ҳар қайси раҳбарнинг зиммасида жуда катта масъулият борлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Биз бугун ён-атрофимизда, айтиш мумкинки, бутун дунёда нотинчлик, қарама-қаршилик ва кескин зиддиятлар рўй бераётган ўта мураккаб бир замонда яшаяпмиз, деди давлатимиз раҳбари. Шундай таҳликали вазиятни эътиборга оладиган бўлсак, аввваламбор, қандай бетакрор ва гўзал Ватан бизга насиб этгани, ҳаётимиз тобора юксалиб, обод ва фаровон бўлиб бораётганининг қадрига етиб, шукроналик ҳисси билан, юртимизнинг тинчлиги, халқимизнинг ҳамжиҳатлигини ҳар томонлама асраш ва мустаҳкамлаш, доимо сергак, сезгир ва ҳушёр бўлиб яшашимизни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Биз бошимиздан кечираётган бугунги замоннинг ўзи ҳар биримиздан ўз жойимизда, ўз лавозимимизда ўзимизга юкланган вазифани масъулият билан бажариш, эл-юртимиз олдидаги бурчимизни сидқидилдан адо этишни талаб қилмоқда.

Олдимизда турган мана шундай улкан вазифаларни амалга оширишда мен кўпни кўрган, кўҳна тарих ва маданиятга эга, не-не суронли даврларни бошидан кечирмасин, ўзлигини асраб, ҳамиша, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳамжиҳат бўлиб, бир-бирига елкадош бўлиб, мардлик ва матонат кўрсатиб, катта умид ва эзгу ниятлар билан яшаётган Хоразм халқига ишонаман. Сизларнинг меҳнаткашлик, олижаноблик, меҳмондўстлик каби фазилатларингизни, ширин шевангизни, бетакрор санъатингизни мен юксак қадрлайман, деди Юртбошимиз ўз нутқининг ниҳоясида.

Сессия мажлисида Боғот туманидаги "Боғот" фермер хўжалиги раҳбари Шарифбой Ражабов, меҳнат фахрийси Кенжабой Ортиқов, Урганч давлат университети магистранти Нодира Янгибоева ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз нутқида Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, воҳа аҳли билдирилган фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, ислоҳотлар самарасини юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидладилар.

* * *

Президентимиз Ислом Каримов шу куни Хонқа туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалиги далаларида фермерлар билан мулоқотда бўлди. Пахта йиғим-теримининг бориши билан қизиқди.

Ҳамза Жуманиёзов раҳбарлик қилаётган мазкур фермер хўжалиги 67,6 гектар ер майдонига эга. Хўжалик аъзолари бу йил 48 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирди. Давлатга пахта ва ғалла сотиш шартнома мажбуриятларини мунтазам бажариб келаётган хўжаликда ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб бормоқда. Фермер хўжалигида мева-сабзавот, полиз етиштириш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ҳам йўлга қўйилган. Хўжаликда ташкил этилган тикувчилик цехи ва новвойхонада кўплаб ёшлар иш билан таъминланган.

— Бу йил пахтачилик учун қулай йил бўлди. Бу соҳада эришаётган муваффақиятларимизни чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, аввваламбор, ерни ҳақиқий эгаларига топширганимиз, фермерларимизда эгалик ҳисси шаклланагани, йил давомида бажарилиши лозим бўлган агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилаётгани, деҳқонларимизга унумли меҳнат қилиши учун яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятлар бугунги ютуқларимизнинг муҳим омили бўлмоқда, — деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дефолиация тадбирлари ҳосилнинг тез, бир текис ва сифатли пишиб етилишида катта ўрин тутиши тўғрисида тўхталар экан, бугун фермерларимиз фаолияти натижасини юқори самарадорлик билан ўлчаш энг тўғри йўл эканини таъкидлади. Бугун фермерлик ҳаракати ривожланишнинг янги босқичига қадам қўймоқда, деди Президентимиз. Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаши, шу орқали қишлоқда саноатни жадал тараққий эттириши лозим. Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиши, ҳудудларимизнинг ижтимоий-иқтисодий равнақига, аҳоли фаровонлигини оширишга, одамларни, биринчи навбатда, ёшларни иш билан таъминлашга фаол ҳисса қўшиши лозим.

Фермерлар билан мулоқот чоғида одамларимизнинг онгу тафаккури, ҳаётга қараши, талаб ва эҳтиёжлари ўзгараётгани, шунинг баробарида, шаҳар ва қишлоқларимиз янада чирой очиб бораётгани таъкидланди. Айниқса, ёшларимизнинг ўз олдига аниқ мақсадларни қўйиб, дадил интилаётгани, турли соҳаларда катта ютуқларга эришаётгани бутун халқимиз қалбини ғурурга тўлдираётгани қайд этилди.

Президентимиз Ислом Каримов Урганч шаҳри марказий қисмини реконструкция қилиш дастурига асосан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Қурилиш ва шаҳарсозлик ишларида Хоразмнинг ўзига хос табиий иқлим шароитини эътиборга олиш лозим, деди Ислом Каримов. Ер остидаги сувларни қочириш, унинг сатҳини пасайтириш учун коллекторлар тизимини такомиллаштириш зарур. Шу билан бирга, ландшафт архитектурасидан кенг фойдаланиш, кўкаламзорлаштириш ишларини воҳа тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб тизимли ташкил қилиш шаҳарни ривожлантириш йўлидаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жараёнида эътибор марказида бўлиши даркор.

Мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган улкан муваффақиятлар, халқимиз фаровонлиги муттасил юксалиб бораётгани чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди. Қўлга киритилаётган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш, эркин ва фаровон ҳаёт, фарзандларимизнинг саодатли келажаги учун доимо курашиб яшашимиз шарт. Хоразм вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, одамлар тафаккуридаги ўзгаришлар ҳамда улуғвор мақсадлар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлаб турибди.

**(ЎзА).**

***Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.***

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Илм-фан, таълим ва спорт жабҳаларининг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. Айтиш жоизки, мамлакатимизда барча миллат ва элат вакилларининг ўз миллий урф-одат ва анъаналари, қадриятларини тиклаш ва ривожлантириши учун маданий алоқаларини тараққий эттиришга ҳисса қўшишдан иборат.

Марказимиз озарбайжон маданияти, тили, адабиёти, халқ амалий санъати, миллий спорт турлари ва миллий таомларини ўрганишга ихтисослаштирилган тўгараклар ҳамда мусиқий ва ижодий

# ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

қулай шароит ва кенг имкониятлар яратилган. Бундай муҳит, самимий ва дўстона муносабат Ўзбекистонда яшаётган турли миллат вакилларининг аҳил-иноқ, тинч-тотув, бир оиладек яшашига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон вакиллари икки мамлакатда ўтадиган турли маданият ва санъат фестивалларида, форум ва кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб келадилар. Жумладан, озарбайжонлик санъаткорлар ҳар икки йилда Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий ва фаол қатнашчилари бўлиб, унда бир неча бор совринли ўринларни эгаллаган.

Ўзбек ва озарбайжон халқларининг адабий мероси умумий, маданият ва санъати муштаракдир. Озарбайжонда Навоий ёхуд Бобур, Ўзбекистонда Низомий ёки Фузулий асарларини ўқимаган кишини топиш қийин. Бокуда Навоий ҳайкали, Тошкентда Низомий ҳайкали бунёд этилгани икки мамлакатнинг бир-бирининг маданиятига бўлган юксак эҳтиромидан далолатдир.

Ўзбекистонда истиқомат қилувчи озарбайжонликларни бирлаштирувчи ташкилотимизнинг асосий вазифалари мамлакатимизда озарбайжон маданиятини сақлаш ва ривожлантириш баробарида, ўзбекистонликларни Озарбайжон тарихи, тили ва маданияти билан таништириш, юртимизда тинчлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлашга ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни инсонпарварлик ва бағрикенглик каби умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга кўмаклашиш, шунингдек, икки халқнинг студиялар ташкил этиш билан ҳам шуғулланади. Бундай тўгаракларга мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат вакиллари қатнашиши мумкин. Марказ турли семинар ва тадбирлар, кўплаб танловлар, илмий ва маданий анжуманлар, конференциялар ўтказиш, иқтидорли ёшларни Ўзбекистонда ва хорижда олий таълим олиши учун кўмаклашиш, озарбайжон тилидаги адабиётлар кутубхонаси жамғармасини ташкил этиш борасида ҳам қатор саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Жорий йилнинг Ватанимизда Президент Ислом Каримов томонидан "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилингани муносабати билан ташкилотимиз ва унинг ҳудудий бўлинмалари озарбайжон диаспораси вакилларининг оилавий муносабатларини ва қадриятларини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, халқларимиз ўртасидаги қардошлик ришталари, ўзаро дўстона алоқалар бугунги кунда изчил мустаҳкамланиб бораётир. Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар барча соҳалар қатори маданий йўналишда ҳам жадал тараққий этиб бораётгани бизни ғоят қувонтиради. Марказимиз бу борадаги ишларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётганидан мамнунмиз. Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги ўзаро манфаатли, ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланган ҳамкорлик алоқалари бундан кейин ҳам изчил ривожланиб бораверишига ишонамиз.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

*Тошкентда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доиралари ўртасида савдо-иқтисодий, сармоявий ва техникавий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.*

Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар қатори иқтисодий соҳада ҳам изчил тараққий этаётгани, мазкур семинар ўзаро савдо-иқтисодий, сармоявий ва техникавий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар эшигини очишга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея иқтисодий соҳада улкан салоҳиятга эга давлатлардир. Савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бири.

Анжуманга Жанубий Кореянинг қатор йирик фирма ва компанияларидан кўплаб вакилларнинг келгани Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит уларнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга эътиборини кучайтираётганидан далолатдир. Хусусан, Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, жуғрофий жойлашуви, замонавий транспорт коммуникациялари, юксак интеллектуал салоҳияти, қулай сармоявий муҳити, замонавий технологияларни изчил ўзлаштириб бораётгани ҳамда юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик кўплаб давлатларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда.

Семинарда кореялик ишбилармонларга юртимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг нефть-газ, автомобилсозлик, ахборот технологиялари каби соҳалардаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ялпи ички маҳсулотнинг мунтазам ўсишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

— Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, техникавий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда, — деди Корея Республикасининг Ульжин уезди губернатори Шин Чанг Йоль. — Ульжин уезди Кореянинг саноати жадал ривожланаётган ҳудудларидан бири бўлиб, машинасозлик, энергетика, кимё, ахборот технологиялари соҳалари анча тараққий этган. Бугунги анжуманда техникавий ҳамкорликни ривожлантириш борасида эришилган келишувлар бу йўналишдаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Корея Республикасининг Ульсан шаҳри Технопарки ҳамда Ульжин уезди ўртасида техникавий ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Қурилиш индустрияси ютуқлари намойиши

*"Ўзэкспомарказ" мажмуасида мамлакатимиз қурилиш саноати ютуқлари намойишига бағишланган "ExpoConstruction Uzbekistan" — "Қурилиш. Қурилиш техникаси. Қурилиш материаллари" IX Халқаро кўргазмаси иш бошлади.*

Халқаро кўргазма



Мазкур тадбир "ZarExpo" миллий кўргазмалар компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар кўмагида ташкил этилди.

Халқаро кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, республикамизда қурилиш материаллари саноати тобора ривожланиб, шунга мос равишда бунёдкорлик ишлари кўлами ҳам кенгайиб бораётир. 2012 йилнинг биринчи ярмида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 6,5 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари эса 8,6 фоизга ўсгани бунинг яққол далилидир. Президентимиз ташаббуси билан соҳада маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик янгилаш, экспорт салоҳиятини ошириш бўйича кўрилаётган изчил чора-тадбирлар ана шу муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Дарҳақиқат, маҳаллий хом ашё ва компонентлардан фойдаланган ҳолда, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни барпо этиш, мавжудларини модернизациялаш лойиҳалари давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Натижада шу йилнинг дастлабки олти ойида 101 янги корхона ишга туширилиб, 12 таси модернизация қилинди. Бундай қулай шарт-шароит, табиийки, чет элликларнинг иқтисодиётимиз мазкур соҳасига бўлган қизиқишини тобора оширмоқда. Буни кўргазма иштирокчилари сони ва жуғрофиясининг кенгайиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, бу йилги форумда дунёнинг Италия, Франция, Чехия, Швейцария, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Япония сингари кўплаб давлатларидан ўнлаб компаниялар ўз маҳсулотларини намойиш қилмоқда.

**2012 йилнинг дастлабки олти ойида мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган**

**101**

**янги корхона ишга туширилди.**

— Юртингизда қурилиш индустрияси жадал суръатларда ривожланиб бораяпти, — дейди Германиянинг "Walter Maschinenbau Gmbh" компанияси Шарқий Европа минтақаси бўйича савдо директори Валтер Поис. — Ўтган йилги кўргазмада бунга ўзимиз гувоҳ бўлдик. Шу боис бу йил ҳам Ўзбекистонга келишга қарор қилдик. Биз мамлакатингиз қурувчилари учун энг замонавий ускуналар, хусусан, янги русумдаги пардозлаш дастгоҳларини таклиф қилаяпмиз. Улар юқори аниқликда ишлаши, материалга сифатли ишлов бериши билан ажралиб туради. Шу боис қизиқувчилар кўп. Кўргазма давомида кўплаб шартномалар имзолаш ниятидамиз.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган кўргазманинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда қурилиш материаллари бозорига энди кириб келаётган корхона ва компанияларга кенг ўрин берилиб, асосан, янги маҳсулотлар, энг замонавий ускуналар, сўнгги русумдаги техника воситалари намойиш этилади. Кўргазма залларини айланган киши бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилади. Сабаби, қурувчиларнинг кузги форуми мавзу жиҳатидан ранг-баранг: қурилиш техникаси, қурилиш материаллари ва маҳсулотлари, иситиш ҳамда вентиляция жиҳозлари, қурилиш асбоб-ускуналари, ташқи ободонлаштириш тизими воситалари каби йўналишларни қамраб олган.

Иштирокчилар уч кун давомида намойиш қилинаётган шу каби маҳсулот ва хизматлар билан яқиндан танишиши, ўзларига маъқулини харид қилиш бўйича шартномалар имзолаши, янги ҳамкорлар топиши учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Бу эса тадбирнинг томонлар учун бирдек самарали ўтишидан далолатдир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (сурат),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

● Реклама ва эълонлар ●

## «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

**БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси ТИФ «Миллийбанк»нинг қуйидаги корхона устав фондидаги 100 фоиз улуши қўйилмоқда:**

| Т/р | Аукционга қўйилган объект | Корхона жойлашган манзил | Сотувга қўйилган улуш (%) | Закалат миқдори (%) | Бошланғич баҳоси (сўм ёки АҚШ долларида) | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «SOG'DIANA PIPEPLAST» МЧЖдаги 100 фоиз улуш | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй | 100 фоиз | 10 фоиз | 2 931 003 400 | 1 589 912,35 |

***Аукцион савдоси 2012 йил 12 ноябрь куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.*** Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 9 ноябрь куни соат 18.00.

Юқоридаги улуш 2012 йил 12 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 19 ва 26 ноябрь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 19 ноябрдаги такрорий савдолар учун — 2012 йил 16 ноябрь куни соат 18.00, 26 ноябрдаги савдолар учун — 23 ноябрь куни соат 18.00.

***Тўловларни амалга ошириш тартиби:***

аукцион ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини 1 (бир) йил муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисининг «Ипак йўли» ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.rmm.uz**

1701А/1442

## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

**Шундай экан, мол-мулк ва ер солиғини**
**15 октябрдан**
**кечиктирмай тўлашни унутманг!**

1616R/1133

*Давлат Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати*

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
### Фарғона вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**1.** Аукцион савдосига Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ФИБ Фарғона туманлараро судининг 2012 йил 9 апрелдаги 1-969-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Аҳмад Яссавий кўчаси, 12-уй манзилида жойлашган, «Умид» ишлаб чиқариш корхонаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 173 818 103 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Бешариқ тумани СИБ томонидан, Фарғона вилояти хўжалик судининг 2010 йил 5 майдаги 15-10-07/5869-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бешариқ шаҳри, «Янги ҳаёт» МФЙ, Бешариқ кўчаси, 80-уйда жойлашган, умумий ер майдони 7557,12 кв.м., қурилиш майдони 6457,12 кв.м. бўлган «53-автокорхона» ОАЖга тегишли, 0002-литердаги маъмурий бино, 0005-литердаги гўзаллик салони, 0008-литердаги ёқилғи омбори, 0028-литердаги ҳовуз, 0034-литердаги асфальт майдони, 0037-литердаги девор, бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 454 671 907 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 12 ноябрь куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Савдога қўйилган мулклар билан туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 9 ноябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банкининг Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

**Манзил: Фарғона ш., Бурҳониддин Марғиноний к., 35-уй. Тел.: (8-373) 224-68-69. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1695R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
### Жиззах вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Зафарбод тумани СИБ томонидан, Жиззах вилояти хўжалик судининг 2011 йил 15 июндаги 13-1105/2115-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зафаробод тумани, «Бирлик» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, «Қонгли» ФХга тегишли чорвачилик фермаси биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 490 000 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 26 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан Зафаробод тумани суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 24 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Жиззах вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

**Манзил: Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 39-уй. Телефон: (8-372) 222-34-16. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1696R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

***Йирик ишлаб чиқариш корхонаси танлов асосида***

**СЕКРЕТАРЬ-РЕФЕРЕНТ**

***лавозимига ишга таклиф қилади.***

**Рус ва ўзбек тилларини аъло даражада билиш, шунингдек, офис техникаларидан мукаммал фойдалана олиш талаб қилинади.**

***Ойлик маош суҳбатдан ўтгач белгиланади.***

**Мурожаат учун тел.: (8-371) 241-31-94, 241-09-93, (+99890) 167-17-58.**

1679А/1159

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
**232-11-15, 236-09-25.**
E-mail: reklama@xs.uz

02

"O'zbekiston" телерадиоканали жамоаси "Янги жамият" сиёсий ва ҳуқуқий-маърифий кўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар студиясининг катта муҳаррири Махаматҳаким Сагатовга волидаи муҳтарамаси

**Зеби САГАТОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти ректорати ва касаба уюшмаси қўмитаси Архитектуравий лойиҳалаш кафедраси профессори

**Ҳамза Мухаррамович УБАЙДУЛЛАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти жамоаси етакчи илмий ходим Ҳулкар Саатовага турмуш ўртоғи

**Равшан МИРСАГАТОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## “Style.uz — 2012”

*Пойтахтимизда “Art Week Style.uz — 2012” санъат ҳафталиги доирасидаги маданий-маърифий тадбирлар якунланди. Хусусан, кеча Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида VI Тошкент халқаро фотобиенналеси ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Маълумки, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда Бадиий академия ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда юртимиздаги маҳоратли фотосанъат усталари, ёш ижодкорлар, шунингдек, Бангладеш, Германия, Жанубий Корея, Франция, Испания, Италия, Япония, Хитой, Украина каби жаҳоннинг 35 мамлакатидан санъаткорлар қатнашди.*



# Эзгуликка йўғрилган санъат байрами

Фотобиенналенинг дастлабки тадбирлари пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ташкил этилган кўргазмалар билан бошланди. “Мен дунёда: дунё мендадир” шиори остида ўтказилган ушбу тадбирда таниқли фоторассом Макс Пенсон ҳамда италиялик фэйшн-фотограф Паоло Роверси каби санъаткорларнинг бир қатор асарлари намойиш қилинди.

Санъат ҳафталигининг яна бир аҳамиятли тадбирларидан бири Тошкент Фотосуратлар уйида бўлиб ўтган “Фотография: ўтмиш, бугун, келажак” мавзуидаги халқаро анжумандир. Санъатшунос мутахассислар, фотоижодкорлар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба ёшлар иштирок этган мазкур тадбирда замонавий фотографиянинг ривожланиш босқичлари, ижодкорлар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

— Биз пойтахтингиздаги санъат кошоналарида ўтказилган кўплаб кўргазмаларда қатнашдик, — дейди украиналик фотожурналист Александр Жилин. — Ҳар бир юртнинг ўзига хос менталитети, ўтмиши, бой маданияти ва бугунги ҳаёт тарзи таъсирчан тасвирлар орқали ифодаланган бундай кўргазмалар ижодкорга бир олам завқ беради. Айниқса, мезбон юрт — Ўзбекистоннинг тарихи, Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўҳна шаҳарлари, Тошкентдаги замонавий архитектура иншоотлари, гўзал маданият масканлари менда катта таассурот қолдирди.

Ҳафталикнинг фотобиеннalega оид кўргазмалари Самарқанд шаҳридаги “Чорсу” санъат галереясида ҳам ташкил этилди. Унда ўттиздан ортиқ мамлакатлар ижодкорларининг танлов учун юборган энг сара асарлари намойиш қилинди. Холид Ҳасан (Бангладеш), Алесандро Бразили (Италия), Ким Лау (Сингапур), Амет Меҳра (Ҳиндистон), Кавех Бахдатчи (Эрон) сингари фотосанъат усталарининг табиат ва инсон, кўнгил ҳамда туйғулар, шунингдек, ижтимоий қарашлар мавзуидаги асарлари техник ва бадиий жиҳатдан маҳорат билан ишланганлиги боис санъат ихлосмандларининг меҳрини қозонди.

Қизиқарли тадбирлар ва жонли мулоқотларга бой тарзда кечган фотобиенналe мухлислар эътиборини ўзига жалб этди. Ҳафталик якунида унинг ғолиблари номи эълон қилинар экан, иштирокчилар юз-кўзидаги ҳаяжон яққол сезилиб турарди. Қувонарлиси, бу гал ҳам халқаро экспертлар юртимиз ёшларининг ижодига юксак баҳо беришди. Совриндорларга махсус номинациялар бўйича диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Шу куни пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида “Art Week Style.uz” санъат ҳафталигининг мода ва дизайн йўналишидаги дастури ҳам ўз ниҳоясига етди.

Тадбирнинг Бош дефилеси ва тантанали ёпилишида сўзга чиққанлар мазкур нуфузли маданий тадбир миллий санъатимиз ютуқлари ҳамда бебаҳо қадриятларимизни жаҳонда кенг тарғиб қилишда беқиёс аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлашди. Дарҳақиқат, ҳафталик дастуридан ўрин олган барча тадбирларда мамлакатимиз санъат намояндалари билан бирга, хорижлик таниқли ижодкорлар, фэйшн саноатининг номдор вакиллари, модельер-дизайнерлар, йирик халқаро компаниялар мутахассислари, фотомухбир ва журналистлар фаол қатнашганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир.

— Юртингизда санъатнинг барча йўналишлари қаторида мода ва дизайн ривожига алоҳида эътибор берилаётганлиги, бу борада, айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб тадбирлар уюштирилаётгани таҳсинга сазовор, — дейди Лондон мода коллежи ўқитувчиси Сара Аткинсон хоним. — Бизнинг коллеж, мана, бир неча йилдирки, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу боис юртингизда модага ихлосманд иқтидорли ёшлар сафи кенг эканлиги бизга аён. Бу галги ҳафталикда ҳам уларнинг миллий услуб ва замонавийлик уйғунлигидаги эътирофга арзигулик кўплаб ишлари билан танишишга муваффақ бўлдик.

Ранглар, орзулар ва туйғулар ҳамоҳанглигига асосий урғу берилган санъат ҳафталигининг “Underground” лойиҳасида бу гал ҳам мода ва дизайн йўналишидаги олий ўқув юртларининг ўттиз нафарга яқин истеъдодли талабалари муваффақиятли қатнашди. Улардан бири Гулираъно Илҳомхўжаева тадбирдан олган таассуротлари ҳақида сўзлар экан, шундай дейди:

— Ушбу лойиҳада иккинчи бор иштирок этаяпман. Ўтган йилги намойишда график услубдаги оқ-қора либослар тўпламим билан қатнашгандим. Бу гал эса миллий матоларимиз, хусусан, адрасдан камалакранг либос ҳамда аксессуарлар яратдим. Жаҳонга таниқли фэйшн усталарининг ижодимга баҳо берганлиги дилимда фахр ҳиссини уйғотди. Энг муҳими, ҳафталикда Лондон, Корея Республикаси ва Испания мода мактабларининг тажрибасини қизиқиш билан ўргандим, ўзим учун кўпгина янгиликларни кашф қилдим.

Мухтасар айтганда, “Style.uz” ҳафталигининг мода ва дизайн йўналишидаги маҳорат сабоқлари, турли кўргазма ва тақдимотлари ҳамда илмий-амалий анжуманлари ижодкорлар учун катта тажриба мактаби вазифасини ўтади. Шу маънода, эзгу орзулар тимсоли бўлмиш мазкур байрамона тадбир дилларда узоқ вақт сақланиб қолиши, шубҳасиз.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ҳиндистонлик шифокорлар — Наманганда

*Наманган вилояти тиббий диагностика марказида Ҳиндистоннинг “Артемис хэлс” тиббиёт институти вакиллари иштирокида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.*

## Ҳамкорлик

Ўзаро тажриба алмашиш учун юртимизга ташриф буюрган бир гуруҳ ҳиндистонлик шифокорлар Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали, вилоятдаги кардиология ва ортопедия марказлари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Мазкур муассасаларда даволанаётган беморлар билан мулоқот ўтказиб, зарур тиббий тавсия ҳамда маслаҳатлар беришди.

— Мамлакатимиз тиббиётида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасига юксак баҳо берган хорижлик мутахассислар мазкур тажриба алмашув тиббиёт соҳасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида амалий қадам бўлганлигини эътироф этдилар, — дейди Наманганддаги “Медтурсервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Алишер Абдуллаев. — Тадбир доирасида соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш, хусусан, тез орада Наманганда замонавий клиника фаолиятини йўлга қўйиш борасида ўзаро келишиб олинди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





ООО «GST OIL» — официальный дистрибьютор в Узбекистане

Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Иссик сув, 118.
Телефоны: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60.
E-mail: gsthyundai@gmail.com
Web site: www.hhi.uz

420R/320

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН



● Реклама ва эълонлар ●

*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

**2013 йилда қурилиши, реконструкция қилиниши, капитал таъмирланиши режалаштирилаётган қуйидаги объектларга танлов савдолари ўтказилиши бўйича дастлабки рўйхатни эълон қилади.**

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ҚУРИЛИШИ ВА МУКАММАЛ ҚАЙТА ҚУРИЛИШИ**

1. Норин тумани, Тегирмонбоши қишлоғидаги 7-мактабга 210 ўринли ўқув блоки ва 12х24 м. спорт зали қурилиши.
2. Косонсой туманидаги 24-мактабга 120 ўринли ўқув блоки ва 12х24 м. спорт зали қурилиши.
3. Наманган туманидаги 40-мактабга 9х18 м. спорт зали қурилиши.
4. Уйчи туманидаги 11-мактабга 420 ўринли ўқув блоки ва 12х24 м. спорт зали қурилиши.
5. Чуст туманидаги 11-мактабга 315 ўринли ўқув блоки қурилиши.
6. Янгиқўрғон туманидаги 6-мактабга 180 ўринли ўқув блоки қурилиши.
7. Чуст туманидаги 45-мактабга 120 ўринли ўқув блоки қурилиши.
8. Чуст туманидаги 67-мактабга 120 ўринли ўқув блоки қурилиши.
9. Чуст туманидаги 68-мактабга 240 ўринли ўқув блоки қурилиши.
10. Наманган шаҳар, Гўзал кўчасидаги 1176 ўринли 35-мактабни мукаммал таъмирлаш.
11. Мингбулоқ тумани, Бўстон қишлоғидаги 260 ўринли 39-мактабни мукаммал таъмирлаш.
12. Наманган тумани, Ғалча қишлоғидаги 480 ўринли 30-мактабни мукаммал таъмирлаш.
13. Наманган тумани, «Боғишамол» ҚФЙдаги 420 ўринли 38-мактабни мукаммал таъмирлаш.
14. Норин тумани, Қурама қишлоғидаги 360 ўринли 9-мактабни мукаммал таъмирлаш.
15. Норин туманидаги 47-мактаб-интернатни мукаммал таъмирлаш.
16. Поп тумани, Қаноқ қишлоғидаги 422 ўринли 45-мактабни мукаммал таъмирлаш.
17. Тўрақўрғон тумани, Холматов қишлоғидаги 820 ўринли 15-мактабни мукаммал таъмирлаш.
18. Тўрақўрғон тумани, Шаханд қишлоғидаги 730 ўринли 35-мактабни мукаммал таъмирлаш.
19. Уйчи тумани, Машад қишлоғидаги 844 ўринли 17-мактабни мукаммал таъмирлаш.
20. Учқўрғон тумани, Қайқи қишлоғидаги 720 ўринли 9-мактабни мукаммал таъмирлаш.
21. Учқўрғон туманидаги 960 ўқувчи ўринли 40-мактабни мукаммал таъмирлаш.
22. Чортоқ тумани, Короскон қишлоғидаги 834 ўринли 33-мактабни мукаммал таъмирлаш.
23. Янгиқўрғон тумани, Яланғоч қишлоғидаги 120 ўринли 59-мактабни мукаммал таъмирлаш.

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ОБЪЕКТЛАРИ**

1. Наманган шаҳридаги 300 ўринли, 75 қатновли (сменали) кўп тармоқли вилоят болалар тиббиёт марказини мукаммал қайта қуриш.
2. Наманган шаҳар, 2-кичик массивдаги 6-сонли болалар уйини мукаммал қайта қуриш.
3. Мингбулоқ туманидаги 180 ўринли, 250 қатновли (сменали) туман тиббиёт бирлашмасини мукаммал қайта қуриш.
4. Норин туманидаги 250 қатновли (сменали) туман тиббиёт бирлашмасини мукаммал қайта қуриш.
5. Наманган шаҳридаги 240 ўринли шаҳар тиббиёт бирлашмасини мукаммал қайта қуриш.
6. Янгиқўрғон туманидаги туман тиббиёт бирлашмасини мукаммал қайта қуриш.

**ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ**

1. Янгиқўрғон туманидаги иқтисодиёт-педагогик касб-ҳунар коллежига 100 ўринли ётоқхона қурилиши.
2. Мингбулоқ туманидаги иқтисодиёт-педагогик касб-ҳунар коллежига 100 ўринли ётоқхона қурилиши.
3. Чортоқ туманидаги спорт касб-ҳунар коллежига 75 ўринли ётоқхона қурилиши.
4. Наманган шаҳридаги қурилиш-педагогик касб-ҳунар коллежига 18х30 м. спорт зали қурилиши.
5. Косонсой туманидаги 870 ўринли саноат-транспорт касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш.
6. Тўрақўрғон туманидаги 540 ўринли саноат-транспорт касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш.
7. Чуст туманидаги 720 ўринли миллий халқ ҳунармандчилиги ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш.
8. Чортоқ туманидаги 900 ўринли хизмат кўрсатиш йўналишидаги касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш.
9. Поп туманидаги 1050 ўринли қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш.
10. Уйчи туманидаги 1000 ўринли хизмат кўрсатиш йўналишидаги касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш.
11. Наманган шаҳридаги Наманган муҳандислик институти қошидаги 900 ўринли академик лицейни мукаммал таъмирлаш.

**БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ОБЪЕКТЛАРИ**

1. Мингбулоқ туманида 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши (II тип).
2. Поп туманида 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши (II тип).
3. Тўрақўрғон туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактабини мукаммал қайта қуриш (II тип).
4. Тўрақўрғон туманидаги 28-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қурилиши (II тип).
5. Чортоқ туманидаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактабини мукаммал қайта қуриш.
6. Норин туманидаги 11-болалар ва ўсмирлар спорт мактабини мукаммал қайта қуриш.
7. Янгиқўрғон туманидаги 61-мактабга 12х24 м. спорт зали қурилиши.
8. Поп туманидаги 9-мактабга 12х24 м. спорт зали қурилиши.
9. Наманган туманидаги 11-мактабга 12х24 м. спорт зали қурилиши.
10. Чуст туманидаги 28-мактабга 12х24 м. спорт зали қурилиши.
11. Косонсой туманидаги 16-мактабга 12х24 м. спорт зали қурилиши.
12. Наманган шаҳридаги 20-мактабга 12х24 м. спорт зали қурилиши.
13. Норин туманидаги 23-мактабга 12х24 м. спорт зали қурилиши.

***Изоҳ:*** мазкур объектларнинг рўйхатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Талабгорларга нисбатан қўйиладиган талаблар, объектларнинг бошланғич нархлари ва қурилиш муддатлари бўйича шартлар қўшимча тарзда оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилинади.

1697R/1171



## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

*Қашқадарё вилояти филиали*

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**I.** Аукцион савдосига Қарши тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 20 июндаги 18-01102/10539-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши тумани, Бешкент шаҳри, «Алишер Навоий» МФЙ, Ҳамза кўчасида жойлашган, Қарши тумани «Кино видео» МЧЖга тегишли, қурилиш майдони 833,97 кв.м., фойдали майдони 743,73 кв.м. бўлган «Кино видео» биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.***

**2.** Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 21 августдаги 18-1206/36498-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши тумани, Бешкент шаҳри ҳудудида жойлашган, «Нуробод» ФХга тегишли, умумий майдони — 7100,0 кв.м., қурилиш майдони — 1320,58 кв.м., 2 қаватли, қоровулхона ва ёрдамчи бинолари мавжуд бўлган, 42 хонадан иборат маъмурий бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Яккабоғ тумани СИБ томонидан, ФИБ Чироқчи туманлараро судининг 2011 йил 4 июлдаги 1-1108/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Яккабоғ тумани, «Дархон» МФЙ, Доткуш қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 11269,6 кв.м., қурилиш майдони 1126,01 кв.м. бўлган ем-хашак омбори қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 62 827 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 13 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 9 ноябрь куни соат 18.00.

**III.** Шунингдек, аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Қарши шаҳар судининг 2012 йил 25 апрелдаги 1-18/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри, Бўстон маҳалласи, Бўстон кўчаси, 33-уйда жойлашган, умумий ер майдони 480,0 кв.м. бўлган тураржой биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 126 667 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 30 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 26 октябрь куни соат 18.00.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши ш., М. Абдуллаева к., 20-уй.**
**Телефон: (8-375) 225-44-58.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1703R/1441



## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 2012 йил 9 мартдаги 3883-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 20-уйда жойлашган кўчмас мулк — «Ўзбекистон» кинотеатри такроран қўйилади.

***Бошланғич баҳоси — 816 140 962 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 25 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион санасидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг Тошкент шаҳар «Ипотека-банк»и АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184- уй.**
**Телефон: (8-371) 266-80-76.**

***Лицензия: RR-0052.***

1702A/121



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 61 534 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.00 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5